



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI SHO‘RCHI TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Sho‘rchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi\_t@exat.uz

20 21-y “ 21 ” aprel

Қ-766 -son

Sho‘rchi t.

**Шўрчи тумани “Боботоғ” СИУ худуди  
“Лайлакхона” маҳалласидаги туман захира  
ерларидан фуқаро Мўминов Аҳмадга боғдорчиликка  
ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун  
узок муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.Ғаниевнинг 2020 йил 22-28 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-11-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узок муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фуқаро Мўминов Аҳмаднинг туман ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 13 апрелдаги 84-сонли йиғилиш баённомасига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 13 апрелдаги 84-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Туманнинг “Боботоғ” СИУ худуди “Лайлакхона” маҳалласидан фуқаро Мўминов Аҳмадга боғдорчиликка иختисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман захира ер фонди ҳисобидаги 38қ-47қ-контурларидаги жами 35,0 гектар (шундан 35,0 гектар яйлов) ер майдони 49 йил муддат билан ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Х.Мамараимов)га фуқаро Мўминов Аҳмадга узок муддатли ижарага ажратилган ер майдонини жойида чегараларини белгилаб бериш, ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш ва тегишли хўжаликлар ер ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Янги ташкил этилаётган боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Мўминов Аҳмадга давлат Солик инспекциясидан, туман Статистика бўлими, туман давлат хизматлари марказидан, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан, туман Қишлоқ хўжалиги бўлимидан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли хужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Шерназаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Худойберганов